

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 15 февраль куни Жиззах вилоятининг инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига мазкур вилоятда жорий йилда амалга ошириладиган 515 та лойиҳа ҳақида маълумот берилди. Лойиҳаларнинг умумий қиймати 35 триллион 500 миллиард сўм. Уларнинг натижасида йилга 25 триллион сўмлик махсулот тайёрлаш қувватига эга янги корхоналар, қарийб 23 минг иш ўрни ташкил этилади. 264 миллион долларлик импорт ўрнини босиш ҳамда 311 миллион долларлик экспорт имконияти яратилади. Жиззах вилоятида қурилиш материаллари, автомобилсозлик ва тўқимачилик саноати ҳамда қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари катта салоҳиятга эга. Лойиҳаларни шакллантиришда ушбу соҳалар “драйвер” сифатида белгилаб олинган.

Масалан, қурилиш материаллари саноатида 8 та лойиҳа режалаштирилган. Улардан бири — базальт толаси ва ундан турли материаллар ишлаб чиқаришга қаратилган. 723 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа учун бугунги кунда ер ажратилган. Корхона шу йил учинчи чоракда ишга туширилиб, 205 та иш ўрни очилиши мўлжалланган.

Шунингдек, юқори маркали цемент, бетон плиталар, арматуралар, геосеткалар ишлаб чиқариш бўйича ҳам истиқболли лойиҳалар бор. Автомобиль саноатида ҳам лойиҳалар кўзда тутилган. Масалан, микроавтобус, тижорат ва юк автомобиллари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа ички бозор учун гоят зарур. Бу корхона жорий йил якунида фойдаланишга топширилиб, 500 киши иш билан таъминланиши режалаштирилган.

Жиззах шаҳрида ташкил этиладиган тўқувчилик мажмуаси маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, хотин-қизлар бандлигини оширишда муҳим ўрин тутати. 39 миллион долларлик мазкур корхона қурилиши бу йил ёзда бошланиб, келгуси йил ишга туширилади.

Тоғли ҳудудларда доривор ўсимликлар етиштириш, уларни қайта ишлаб, экспорт қилиш давлатимиз раҳбари кўрсатиб берган улкан имконияتلардан бири. Бугунги кунда мамлакатимизда шу соҳага ихтисослаштирилган 7 та кластер фаолият юритмоқда. Хусусан, “BMB Trade Group” кластери томонидан Баҳмал туманида заъфарон етиштириш ва қайта ишлаш йўлга қўйилмоқда. 30 миллион доллардан зиёд қийматдаги ушбу лойиҳа натижасида 200 киши ишли бўлади.

Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида чорвачилик, паррандачилик, гўшт ва сутни қайта ишлаш, ипак мато ишлаб чиқариш каби бир нечта лойиҳалар мўлжалланган.

Тақдиротда ушбу лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлиги, молиялаштириш манбалари ва инфратузилма масалалари муҳокама қилинди. Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг салоҳияти бундан анча катта эканини, кўплаб йирик лойиҳаларни амалга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Тўқимачиликда маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириб, тайёр махсулотлар ишлаб чиқариш, янги ўзлаштирилаётган ерларда талаб юқори мева-сабзавотлар етиштириб, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ер ости маъданларини ўзлаштиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Ў.А.

Эхтиром

АСРЛАР ОША ҚАДРЛАНИБ КЕЛАЁТГАН БУЮК СИЙМО

Буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳамда фаолияти неча асрларки дунё аҳлининг эътибор ва эъзозиди бўлиб келаётир. Бобуршунослар улуг шох ва шоир ҳақида фикр юритганда унинг нақадар дилбар шахс бўлганлиги билан бирга, ўзбек халқи фарзанди эканини таъкидлаганида ҳар биримизнинг кўксимиз тоғдек юксалади, десак муболага эмас.

Улуг бобомиз таваллудининг 538 йиллиги муносабати билан қуйида айрим хорижий олимларнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Саид Нақи АББОС, Бобур халқаро жамоат фондининг Ҳиндистон бўлими раҳбари:

— Ҳиндистонда, тан олиб айтиш керакки, бобурийлар сулоласи ҳукм сурган палла ўзига хос бетакдор давр ҳисобланади. Маданият, санъат, адабиёт, айниқса, меъморчилик гуллаган бу даврнинг маънавий ва моддий бой-ликлари ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Бобурийлар давлатидаги маданий муҳитнинг Ҳиндистон учун аҳамияти ҳақида Жавоҳарлал Неру шундай ёзганди: “Бобур Ҳиндистонга келгани-

дан кейин катта силжишлар юз берди ҳамда янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса бир-бирларига тутшиб кетди”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам шох, ҳам мумтоз шоир. Бу икки юксак хислатни ўзида жам этган шахс асрлар ва доволар оша бугунги кунда ҳам қадрланади. Унинг серқирра ижодини ўрганиш бугунги куннинг долзарб мавзуси бўлиши лозим. Бу, Бобур мирзо туғилган Андижондан то вафот этган Аграгача бўлган ҳудудда яшаётган инсонларни, қолаверса,

бутун дунё зиёлиларини ўзига қамраб олса, нур устига нур. Утган даврда мутафаккир асарлари ҳинд, инглиз, рус, олмон, француз, озарбайжон, турк ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилиниб, чоп этилиши саъй-ҳаракатларимиз натижасидир. Биргина “Бобурнома” асарининг ўзи ўндан ортиқ тилларга таржима қилингани сўзимиз далили.

Азизилло АРРОЛ, бобуршунос олим ва адабиётшунос (Афғонистон):

— Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодини ўрганишга бундан 7-8 йиллар аввал киришгандим. Ўша пайтлардаёқ ўзбекистонлик дўстларим, хусусан, бобуршунослар, адабиётшуносу шоирлар билан алоқалар ўрнатиб, керакли манбалар асосида фаолият олиб борганман. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳазрат Бобур ижоди ва ҳаётига бағишланган бир қатор китоблар, рисоалар, илмий иш ҳамда мақолаларим нашр қилинди. “Бобурнома” ҳақидаги рисолам ўқувчилар қўлига теғди.



БАРҲАЁТ БЕБАҲО МЕРОС



Мамлакатимизда улуг бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 538 йиллиги кенг нишонланди. Юртимизнинг барча ҳудудида бўлган каби Андижон шаҳрида ҳам шох ва шоир таваллуд санасига бағишланган тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилди.



БИЗГА ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Глобал муаммоларни ҳал этишда таълимнинг ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Айниқса, ёш авлодни катта ҳаётга учирма қилишда камолотнинг муҳим бўлини бўлган олий таълимга эҳтиёж ниҳоятда катта.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари бу соҳани ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Натижада ўқув жараёнига илғор педагогик технологиялар, замонавий ўқув дастурлари татбиқ этилаётир. Маҳорат дарслари, малака ошириш курсларига хориждан тажрибали ўқитувчилар ва олимлар жалб қилинапти.

Олий таълим

Президентимизнинг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини” Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида ҳам соҳада замонавий илғор тажрибани ҳаётга татбиқ этиш, шаффофлик ҳамда адолатни таъминлаш, иқтидорлиларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, олимлар учун илмий унвон ва илмий даражаларни беришни соддалаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар белгиланди.

Иқтисодиёт — тараққиётимизнинг тамал тоши

Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишидан бири иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлиқни мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолишдан иборат. Қолаверса, миллий иқтисодиёт рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ ҳўжалигини модернизациялаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни давом

этириш кўзда тутилган.

Парламент назорати

АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА?

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан тўрт ой муқаддам “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуннинг Қашқадарё ҳамда Бухоро вилоятларида ижро этилиши ҳолати ўрганилган эди. Масаланинг долзарблигини инобатга олиб, бунинг учун етакчи экспертлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари жалб этилди.

Хусусан, Бухоро вилоятида ўтказилган халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши билан қўшма мажлис ўтказилиб, аниқланган муаммолар ўртага ташланди. Вазирлар Маҳма-сининг 2019 йил 4 октябрдаги “Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари мил-

лий рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорига муво-фиқ, айни пайтда вилоятда жами 829 та моддий маданий мерос объекти кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Уларнинг 287 таси археология ёдгорлиги, 507 таси архитектура объекти,

18 таси диққатга сазовор жой ва 17 таси монументал ёдгорликдир.

Афсуски, бу объектларни ўрганиш давомида маданий мерос соҳасида маданий мерос объектлари аниқланган. Жумладан, ижроси ўрганилаётган Қонунга кўра, аҳоли уй-жойлари маҳаллий аҳамиятга молик моддий маданий мерос объектлари қўрилмадиган тегралдан камиди 50 метр, республика аҳамиятига молик бўлганларидан эса 100 метр узоқликда бўлиши керак.

Аммо Бухоро вилоятидаги кўплаб объектларда мазкур талаб бажарилмапти. Хусусан, ишчи гуруҳи томонидан Ғиждувон туманидаги “Қассо-бони боло”, “Бозори қаймоқ”, “Бобораҳимбой” масжидлари ҳамда “Тошҳаммом” тарихий

объекти атрофида, қўриқланадиган теграларида юзлаб аҳоли уйлари жойлашганлиги аниқланган.

“Ипак йўли: Зарафшон дарёси ва Қайроққум йўналиши” (Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон) чегаралараро обидалари қаторида Бухоро вилоятида жойлашган 7 та объект, яъни Чор-Бақр ҳамда Баҳроуддин Нақшбанд мажмуа-лари, Вобкент минораси ва Чашмаи Аюб мақбараси архи-тектура объектлари, қадим-ги Пойкент, Варахша ҳамда Вардонзе шаҳар қолдиқлари-ни ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш бўйича халқаро мезонлар асо-сида номзодлик ҳужжатлари тайёрлаш вазифаси ижроси ҳали-ҳамон тўлиқ таъминланмаган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитдилар. Шу билан бирга, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор бир қатор қонун лойиҳалари атрофлича кўриб чиқилди.

Омбудсманнинг 2020 йилдаги фаолияти: НАТИЖА ВА КЎРСАТКИЧЛАР

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2020 йилда-ги фаолияти тўғрисидаги ҳисоб-от дастлаб сиёсий партия-лар фракциялари йиғилишлари-да батафсил муҳокама қилинган эди. Жараёнда фрак-ция аъзолари томонидан Ҳаракатлар стратегияси доирасида белгиланган ва-зифаларни ҳал этишда Омбудсманнинг бевосита иштирок этиши орқали унинг фаолияти сифатини оши-ришга қаратилган тақлиф-лар билдирилганди.

Кечаги мажлисда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқла-ри бўйича вакили Феруза Эшматова ҳисобот билан сўзга чиқди.

Таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катта ютуқларга эришилди. Хусусан, Омбудсман фаолиятининг ҳуқуқий асослари мустаҳкам-ланиб, Вақил ваколатлари кен-гайтирилди, Омбудсман ҳузу-рида қийноқларнинг олдини олиш бўйича Миллий превен-тив механизм йўлга қўйилди. Юртимизда болалар меҳнати тўлиқ бартараф этилиб, Ин-сон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вақил фаолияти йўлга қўйилди.

Пандемия бўлишига қара-май, Омбудсман ва унинг Ко-тубияти ходимлари жамоатчи-лик фаоллари билан бирга-ликда карантин мажмуалари,

тиббий муассасалар, Миллий превентив механизм доираси-да жазони ижро этиш муас-сасаларида инсон ҳуқуқлари-нинг таъминланиш ҳолатини ўрганиш мақсадида мунтазам мониторинг тадбирларини амалга оширди.

Бундан ташқари, маҳкум-ларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган кек-са ёшдаги ҳамда ногиронли-ги бўлган ва соғлиғининг ҳолатига кўра, турли касаллик-лар билан даволанаётган маҳ-кумлар тарқиби Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорлик-да таҳлил қилинди. Унинг на-тижаларига кўра, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган 58 нафар 70 ёшдан ош-ган эркак ҳамда 60 ёшдан ош-ган аёл киритилган маҳкум-лар рўйхати Афв этиш маса-лалари бўйича комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим қилинди.

Мажлисда Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолиятига доир ҳисобот танқидий-таҳли-лий кўриб чиқилди. Билдирил-ган фикр-мулоҳазалар асоси-да депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси-нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2020 йилдаги фаолияти тўғри-сидаги ҳисоботни маъқуллади ва тегишли қарор қабул қилди.



ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ, ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИГИ МУҲОФАЗАСИНИНГ ҲАЁТИЙ ИФОДАСИ



ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИ КЎРСАТИШДА АХБОРОТ МАҲФИЙЛИГИ ТАЪМИНЛНАДИ

Мажлисида “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, қонун лойиҳаси аҳолига психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлашда қуйи палатадаги фракциялар, қўмиталарда қизгин муҳокамалар ташкил этилди ҳамда билдирилган тақлифлар ишчи гуруҳ ва соҳа мутахассислари томонидан ўрганилиб, асослилари инобатга олинди.

Чунончи, қонун лойиҳасидаги аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича давлат органларининг ваколатлари ҳақидаги нормалар “Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонунда Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари аниқ белгилангани сабабли, шунингдек, “Психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича ҳаракатлар устидан шикоят қилиш” деб номланган 7-бобда баён қилинган нормалар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонунда тўлиқ баён қилингани учун чиқарилган.

Қонун лойиҳасида аввалги қонунларда бўлмаган муҳим янгиликлардан бири — руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг электрон реестри юритилиши ҳақидаги модда акс этганидир. Унга кўра, ягона реестрдан фақат руҳий соғлиқни сақлаш хизмати мутахассисларининг мазкур реестрда сақланаётган ахборотнинг мафийлигини таъминлаган ҳолда фойдаланишига рухсат этилади.

Лойиҳа, шунингдек, Олий суд, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман) ҳамда амалиётдаги мутахассисларнинг маслаҳат ва тақлифлари билан янада боийтилган. Хусусан, мазкур ҳужжатда дастлаб руҳий ҳолати бузилган болалар учун 14 ёш, деб чеклов қўйилган эди. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенция ратификация қилингани, унга кўра, 18 ёшгача бўлган шахслар бола, деб эътироф этилгани сабабли бу чеклов олинган ва вояга етмаган шахс ибораси қўлланилган.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасидаги психиатрия ёрдами кўрсатиш принциплари ахборотнинг мафийлиги нормаси билан тўлдирилган. Депутатларнинг кайд этилишича, бу инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кафолатлаш учун гоят муҳим қадамдир.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Сенатор ва ҳаёт МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗГА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ

Бугун мамлакатимизда олиб борилаётган одил сиёсат туфайли халқимизни узок йиллардан буйн қўйнаб келган кўпдан-кўп масалалар ечим топиб, юрдошларимиз орзу-ниятлари рўёбга чиқмоқда, десак, айни ҳақиқат. Бун исталган йўналиш ёки соҳада қўзатиш мумкин.

Масалан, яқин йилларга-ча бир қанча юрдошларимиз ўз бошпанаси бўлмагани боис ижарама-ижара яшашга мажбур эди. Оила-сидан, ижара ҳақидан, яна турли сарф-харажатлардан орттириб, уй олиш осон эмас, ахир. Ойлик иш ҳақининг ўзи билан уй сочиб олиш мушкуллигини ҳамма билган, аммо вазиятни билиб билмасликка олиш тулими устун эди...

Дарҳақиқат, бу борадаги вазият яқин-яқингача шундай бўлган. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган илк кунларданок одамларни қўйнаб келаётган бу ижтимоий масалага ечим топишга астойдил бел боғлади. Шу мақсадда мажус ҳужжат имзоланди. Натижада шахар ва қишлоқларда кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва фуқароларга узок муддатли ипотека кредити асосида бериш йўлга қўйилди. Сўнгги тўрт йил мобайнида ижтимоий ҳимояга муҳтож ва

кам таъминланган оилалар, давлат хизматчилари, олимлар, ёшлар ўзларининг муқим бошпанасига эга бўлди. Уларнинг бошланғич бадалли маҳаллий ҳокимликлар томонидан тўлаб берилгани эса нафақат ўша оилалар вакиллари, балки халқимизни мамун этди ва эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Зеро, узокни ўйлаб олиб борилаётган бундай сиёсат замирида халқимизни рози қилиш, улар эртага эмас, айнан бугун ўзларини бахтиёр ҳис этишлари учун барча шарт-шароитни яратиб беришдек зағу мақсадлар муҳассам.

Аҳолини замонавий ва айни пайтда ҳаманбўй уй-жой билан таъминлаш ишлари Самарқанд вилоятида ҳам изчил давом эттирилётди. Ушбу қурилиш ва бунёдкорлик жараёнида “Agromit group” МЧЖ ҳам муносиби иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 2019-2020 йиллар давомида жами 59 та

4 110 хонадонга мўлжалланган уй-жойлар барпо этилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” даҳасида 3 414 хонадонга мўлжалланган 47 та, Тайлоқ туманидаги Қўрғонча қишлоғида 360 хонадонли 6 та, Ургут туманининг Камангарон маҳалласида эса 336 хонадонга мўлжалланган 6 та уй қурилиб, ўз эгаларига топширилди.

Жорий йил учун мўлжалланган режаларининг янада салмокки, айни айтадиган бўлсак, йил давомида Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари ҳамда Тайлоқ туманида 72 та уй-жой қуриб, 5 611 та оилага хурсандчилик улашиш ниятимиз бор. Шундан келиб чиқиб, қурилиш ишларини жадвал сурьатларда олиб бормоқдамиз. Зеро, бизнинг мақсадимиз — давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатида камарбаста бўлиб, халқимизга беминнат хизмат қилиш.

Шавкат ЖАЛОЛОВ,
Олий Мажлис
Сенати аъзоси,
“Agromit group”
директорлар
ассоциацияси кенгаши
раиси.

БЕМОР БОЛАЖОНЛАР УЧУН ХАЙРИЯ АКЦИЯСИ

Мамлакатимизда ёш авлод вакиллариининг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топиши учун барча шарот-шароит яратилмоқда. Ўз сафларида 5,5 миллиондан ортиқ аъзони бирилаштирган Ўзбекистон касабә уюшмалари ҳам бу борада камарбаста бўлиб келаётди.

Сана

Иқтидорли йилгит-қизларни рағбатлантириш, юртимизда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш мақсадида ўтказиб келинаётган “Ёш мутахассислар” республика форуми, “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси”, “Меҳнат ҳуқуқи билимдони”, “Энг яхши ёш ишчи касб эгаси” танловлари ҳамда “Қасаба уюшма стипендианти” лойиҳаси шулар жумласидандир.

Бу тузилманинг галдаги ижтимоий лойиҳаси бемор болажонларни қўлаб-қувватлашга йўналтирилгани билан аҳамиятли бўлди. Кеча лойиҳа доирасида 15 фев

раль — Халқаро саратонга чалинган болалар кун и муносабати билан Тошкент шаҳар онкология марказининг болалар бўлимида ижтимоий хайрия акцияси ўтказилди. Бундан қўзланган мақсад бу ерда даволанаётган болажонларга ўз вақтида зарур тиббий ёрдам кўрсатиш, уларни руҳан қўлаб-қувватлашдан иборатдир. Зеро, вақтида ва самарали усуллардан фойдаланган ҳолда кўрсатилган тиббий муолажа хасталикни самарали даволашда қўл келади. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тиббийёт муассасасига дори-дармонлар, совғалар ва бадий китоблар ҳада этилди.

«Халқ сўзи».

ҚАЙСИ ҲОЛАТДА ЙТҲ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ХОДИМИ ИШТИРОКИСИЗ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сургута қилишга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси юзасидан ички ишлар вазирининг ўринбосари Азизбек Икромов маъруза қилди.

Муҳокамаларда дастлаб юртимиз ҳудудида йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар таҳлилига эътибор қаратилди.

Кайд этилганидек, 2017 йилда 13 минг 15 та, 2018 йилда 13 минг 701 та ва 2019 йилда 24 минг 5 та тан жараҳати

ЯРОҚЛИЛИК МУДДАТИ ЎТГАН ТОВАРЛАР УЧУН МОЛИЯВИЙ САНКЦИЯЛАР ҚўЛЛАНИЛИШИ МУМКИН

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини концептуал асослаш мақсадида маъруза қилган Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси Нажмиддинқўжа Шариповнинг таъкидлашича, мазкур ҳужжат билан истеъмолчи ҳуқуқларининг устуворлиги, истеъмолчига товар (иш, хизмат), савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари тўғрисидаги маълумотлар давлат тилида тақдим этилиши (келишувга қара, бошқа тилларда ҳам) белгиланмоқда.

Шу билан бирга, сотувчига бир турдаги товарлар учун ҳақ тўлаш шаклига қараб хар хил нарх белгиллаш тақиқланмоқда, истеъмолчига нуқсонли ва талабга жавоб бермайдиган товар сотилганлигини аниқлаш билан боғлиқ харажатлар сотувчи томонидан қрпанилиши тартиби жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, истеъмолчини қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташ, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш, шунингдек, шартномага истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талабларни киритиш, яроқлилик муддати ўтган товарларни реализация қилиш, норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган товар, қалбакилаштирилган озик-овқат маҳсулотини ишлаб чиқариш, олиб кириш ва реализация қилиш каби ҳуқуқбузарликлар учун молиявий санкциялар қўллаш кўзда тутилган.

Лойиҳада товарларни масофадан туриб ва ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилишда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш механизмлари ҳам жорий этилмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг давлат органлари ва фуқаролик ҳаияти институтлари билан ҳамкорлиги, назорат хариди, товарлар текшируви ва экспертизасини ташкил қилиши, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича судда иштирок этиши каби ваколатлари мустаҳкамланаётди.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга, сотувчининг истеъмолчини олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширади.

қилувчи органлар ходими иштирокисиз расмийлаштириш асослари, қоидалари ва тартиби белгиллаб берилган.

Жумладан, лойиҳа билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги йўл-транспорт ҳодисаси ҳақидаги билдиришномани расмийлаштириш муносабати билан маъмурий жавобгарликдан озод этиш нормаси киритилиши назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг кайд этилишича, ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши йўл ҳарака-ти хавфсизлиги ходимлари билан ҳайдовчилар ўртасидаги мулоқотнинг яхшиланишига олиб келади, ортиқча қорғозбозлик, оврагарчиликка чек қўяди ҳамда автомобиль йўлларида тирбандликларнинг олдини олишда самара беради.

Қизгин мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқшда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИКНИ БЕЛГИЛАШ ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

Мажлисида Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга, шунингдек, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, кейинги вақтларда баъзи бир веб-сайт ёки уларнинг эгалари, шунингдек, блогерлик фаолияти билан шуғулланувчи айрим шахслар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказиши ҳолатлари қузғитилмоқда.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Миллий тикланиш” ДП ва “Адолат” СДП фракциялари ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонунга Интернет ҳаҳон ахборот тармоғида ҳуқуққа хилоф ахборот тарқатилишига қарши айрим нормалар киритилмоқда.

Бу билан оммавий тартибсизлик ва фуқароларга нисбатан ўзравонлик қилишга даъват этиш, фуқароларни қонун ҳужжатларига рия қилмаслик ёки уларни бузишга омма олдида, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали даъват қилиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон маълумот тарқатиш, порнография, ўзравонлик ёки шафқатсизлики тарғиб қилиш каби қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш назарда тутилган.

Халқ вакилларининг таъкидлашича, қонунчиликка киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар фуқароларнинг ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоялаш, коммуникация тизимига долзарб ва ишончли ахборотларнинг киритилишидаги масъулиятини ошиши, шунингдек, жамяят хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ҚУРУҚ ВАЪДАЛАРДАН АМАЛИЙ ИШГА ЎТИШ ЛОЗИМ

Мана, бу йил катта умид ва ишонч билан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” Давлат дастурини бажаришга киришилди. Ушбу муҳим ҳужжатда белгиланган вазифалар қўлами кенг. Табиийки, бу ҳар биримиздан катта масъулият ва фидойилик талаб қилади.

Фикр

Эртамиз истиқболини белгилайдиган ҳуқуқий ҳужжат ҳақида гап кетар экан, бунда эски тузумдан қолган “бажарамиз” деган қуруқ гап ва ваъдалар ўтмаслигини ҳар биримиз яхши англаб олишимиз шарт.

Яқинда Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселекторда ушбу масалага алоҳида тўхталиб, раҳбар кўп, масъуллар кўп, лекин халқнинг дарди билан шуғулланидиган одам йўқлиги, энг катта камчилик — назорат йўқлиги, вазирлар, ҳокимлар ўзини қийнамаслигини қуночаклик билан айтиб ўтди.

Дарҳақиқат, қуруқ ваъдалару тadbирвозликдан амалий ишга ўтиш вақти аллақачон келган. Бу дегани, давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳар бир раҳбар у қайси бугунда фаолият олиб бораётганидан қатъи назар, Давлат дастурини бажариш учун ўзини қийнаши, чигал муаммоларни ечиш учун изланиши лозим.

Масалан, жорий йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш ҳамда 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектини ишга тушириш белгиланган. Бу борадаги барча жараёни доимий мониторинг қилиб бориб, ўз вақти-

да ва сифатли бажарилишини таъминлаш бўйича мутасадди раҳбарлар зиммасида катта масъулият турибди.

Бунинг ижроси шунчак гап бўлиб қолмаслиги ёки қорғозда қилиб кетмаслиги учун барча бирдек, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш шарт. Биз, парламент аъзолари халқ вакиллари сифатида топширилган ижросини таъминлашда фаоллик кўрсатишимиз зарур.

Давлат дастурида йил якунига қадар 10 минг километрдан ортиқ ички ва қишлоқ йўлларини таъмирлаш, 15 минг километр электр тармоғи ҳамда 4 мингта трансформаторни янгилаш, 700 дан зиёд аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви етказиш, шаҳарларда 21 мингта, қишлоқларда 8 минг 800 та уй-жойлар барпо қилиш вазифаси қўйилган. Албатта, бу осон иш эмас — уaldasдан чиқиш учун кунт, сабр-бардош, билим ва салоҳият керак.

Йил дастурига киритилган масалалар халқимиз фаровонлигини ошириш, пировардида мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий ҳаёти равнақ топишига хизмат қилади.

Ҳазратқул ХЎЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

АСРЛАР ОША ҚАДРЛАНИБ КЕЛАЁТГАН БУЮК СИЙМО

Бобур ижоди инсонни қомилликка қорловчи улкан мерос. Мен чин кўнглидан меҳр қўйган ҳамда эътироф қилган шоир ижоди ва шахсиятини ўрганиш ҳаётда ўз позициямин топишда туртки берди. Номим бобурушнос олимлар қаторида саналши учун бундан кейин ҳам жон-жаҳдим, бор ижодий маҳоратим билан меҳнат қиламан.

Мамлакатингизда дунё илм-фани ривожига ҳисса қўшган улуг алло-малар ҳаёти ва ижодини батафсил ўрганиш, асарлари ҳамда илгари сурган юксак гоғларини кенг тар-

ғиб қилиш борасидаги ишларга давлат даражасида аҳамият қаратилишига ҳамиша ҳавасимиз келади. Нафақат Осмё, балки жаҳон илм-фани равнақи, жамяят тараққиётига салмокки ҳисса қўшган шоир, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Мухаммад Бобуруга юртингизда кўрсатилаётган эҳтиром биз, олимларни, бутун жаҳон зиёлиларини ушбу буюк шахс сиймоси атрофида янада жипслаштиришга, ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Раҳматжон БОБОЖОНОВ
(«Халқ сўзи») ёзиб олди.

АНИҚЛАНГАН МУАММОЛАР ҚАЙ ДАРАЖАДА ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА?

Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарори билан фаол фуқаролар ихтиёрийлик ва танлов асосида маҳалла фуқаролар йиғинлари кенгашининг қарори асосида моддий маданий мерос объекларини муҳофаза қилиш бўйича жамоатчи инспектор этиб тасдиқланиши белгиланган. Уларнинг фаолияти учун махсус низоом тасдиқланган. Аммо вилоятдаги ўрганишлар жараёнида бу топшириқ ихроси тўла таъминланмагани аниқланди. Хусусан, Ёнхдумон туманидаги 3 та тарихий объектга жамоатчи инспекторлар бириктирилмаган. Инспекторлар низоомлар билан таъминланмаган. Қолаверса, бу масаладан маҳалла фуқаролар йиғини раисининг мутлақо хабари йўқ. Натижада “Қассобони боло” масжиди ёнида қичқидихона ташкил этилиб, моддий маданий мерос объекти қийматига путур етказилмоқда.

Қўмитанинг халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгаши билан қўшма мажлисида маданий тарихий иморатларимизнинг аҳоли билан боғлиқ бир қатор жиддий масалалар ўртага ташланган.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида жами 1 468 та моддий маданий мерос объекти миллий рўйхатга киритилган, объекларни ўрганиш давомида уларни маданий мерос сифатида асраб-авайлашга оид камчилик ва муаммолар аниқланди.

Жумладан, VII — XII асрларга оид “Каландартепа” археология ёдгорлигида қонунчи тўпроқ қазил ишлари бажарилган. Қарши шаҳрида “Қалъаи-Заҳоки-Марон” археология ёдгорлигида ҳокимлик қарорлари асосида ҳамда ўзбошимчилик билан 12 та уй-жой қурилиши оқибатида маданий мерос объектига 93,3 миллион сўм миқдорида зарар етказилган.

Яккабоғ туманининг “Дархон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Сариқтепа” археология ёдгорлигида олиб бориладиган қонунчи тўпроқ қазил ишлари натижада объектга 7,8 миллиард сўм миқдорида зарар келтирилган. Қолаверса, биргина Шаҳрисабз шаҳрида фуқаролар томонидан ҳимоя ҳудудига кирган ер майдонларида, жами 12 объектда 77 та қонунчи уй-жой қурилган.

Абдураҳим ЭРКАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ ДОИМ ИСТЕЪМОЛЧИ ОЛДИДА ҲИСОБДОР

Қайси соҳада фаолият юритишимиз, қандай касб эгаси эканимиздан қатъи назар, ҳар биримиз истеъмолчимиз ва бу борада ўз ҳуқуқимизни ҳимоя қилишга мудом эҳтиёж сезамиз. Бинобарин, давр шиддат билан ўзгариб, ҳаёт даражаси юксалиб борар экан, хизмат кўрсатувчи ҳамда истеъмолчи олдидаги масъулият ва жавобгарлик ҳам ошиши табиий.

Менда таклиф бор

Бу борада шундай мураккаб вазиятлар юзга келмоқдаки, ҳатто, бу ҳолатларга бугунги кун талаблари асосида ўзгартишлар киритиш лозимлиги аён бўлмоқда. Чунки бугун истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари тез-тез учраб туриши ҳам рост.

Яқинда қуйи палатадаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

“Истеъмолчи доимо ҳақ”, деган ибора бор. Шундай экан, мазкур қонун лойиҳасига ўзгартишлар киритилаётган пайтда истеъмолчининг унга кўрсатилган хизматдан қўнгли тўлиши, ишонч ҳосил қилиши учун у тўлаган маблағ қандай мақсадларда ишлатили-

гани ҳақида маълумотни тақдим этиш жуда муҳимдир. Айниқса, хусусий клиникалар ва хусусий даволаш муассасаларида беморларга тиббий хизмат кўрсатишга, хизмат кўрсатиш натижалари ҳақидаги далолатномани (акт выполненных работ) тақдим этиш тартибини жорий қилиш керак.

Бу тақдирни нега илгари сурялман? Сабаби қўрсатилган хизмат далолатномасини истеъмолчига маълум қилмаслик ҳам унинг ҳуқуқлари бузилишини аниқлатади.

Зеро, бугун очик ҳаияят сари қадам ташлаётган эканмиз, хизмат кўрсатувчи доим истеъмолчи олдида ҳисобдор эканини унутмаслиги лозим. Ўз навбатида, бу муҳоламадаги қонунда акс этса, нур устига аъло нур бўларди.

Дилбас УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

БАРҲАЁТ БЕБАҲО МЕРОС

Заҳириддин Мухаммад Бобур номидаги богда ташкил этилган тadbир “Не ерда бўлсанг, эй гул...” деб номланди. Унда кенг жамоатчилик, турли вакиллик ҳамда идоралар, миллий маданий марказлар, ижодий ташкилотлар, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, сўз санъати мухлислари, талаба-ёшлар қатнашди.

Таъкидланганидек, шох ва шоир, буюк саркарда, давлат арбоби, олим, таржимон Заҳириддин Мухаммад Бобур бутун башариётга улкан ижодий-маънавий мерос қолдирган. Унинг асарларини бугун дунё аҳли ўқиб ўрганмоқда, тadbик этмоқда. Зеро, ушбу бебаҳо мероснинг инсоният тафақури риво-

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).



2020 йилда коронавирус пандемияси дунёдаги одатий ҳаётни ўзгартириб юборди. Турмуш тарзимизда янги-янги хизмату фаолият турлари юзга келди, рақамли технологиялар соҳаси, трансформациялашув жараёни янада тезлашди. “Онлайн таълим”, “Масофадан туриб ишлаш”, “Онлайн буюртма”, “Онлайн хизмат” деган иборалар оммалашди.

Банк тизими ҳам пандемиядан катта зиён кўрган соҳалардан бири. Молиявий амалиётлар салмоғи камайиши, тадбиркорлик фаолиятидаги танаффус, кредитларга талаб

ошиб, тўлов қобилиятининг пасайиши ва оқибатда кредит суммасини қайтаришга таътиллار берилиши — буларнинг барча-барчаси ривожланишга тўсиқ бўлган омиллар. Шунга қарамай, оқилона ёндашув орқали ҳар қандай муаммога самарали ечим топиш мумкин. Айниқса, соғлом рақобат муҳитида изланишдан бир зум бўлса-да, тўхтаганлар ютқазида.

Бу борада Халқ банки танлаган йўл ўзини оқлади. Банкнинг 2020 йилдаги ривожланиш стратегиясини белгилашда асосий эътибор трансформация жараёнига қаратилди. Натижада, мана, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига 5 062,6 млрд. сўм даромад олинди. Бу аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан қийёслаганда 1,8 баробар юқори кўрсаткич.

Хўш, ана шу муваффақиятларга қандай эришилди?



Таҳлил

ЯНГИЛАНАЁТГАН ХАЛҚ БАНКИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТГА НИМА БЕРДИ?

Кредит ажратишда коррупцияга йўл қўйилмайди

Инсоният яралибдики, ўзига дастёр қидиради. Унинг тахминий модели шундай: чакқон, уддабурон, топшириқларни сўзсиз бажаришга қодир, толиқишни билмайдиган, беҳато ишловчи ва энг муҳими, садоқатли... Бу йўлдаги изланишлар натижалари ҳам чакки эмас. Ҳозиргача кашф қилинган не-не суперкомпьютери роботлар ана шундай вазифаларни бажариб келмоқда. Аммо инновациялар асрида буларнинг ўзи етарли эмас. Энди одамзоднинг яна бир нарсасга эҳтиёжи ортган. Бу — сунъий интеллект.

Бизнинг трансформацияга доир ислохотларимиз айни шу мақсадга қаратилган. Яъни сунъий интеллектни банки мизининг ҳар бир жаҳасига кенг татбиқ қиломоқчимиз. Бу борадаги изланишларнинг дастлабки натижалари ҳам ёмон эмас.

Масалан, биргина кредит ажратиш жараёнини таҳлил қилайлик. Авваллари кредит сураб мурожаат этган мижозларни мизининг ҳужжатлари уч босқичда кўриб чиқилиб, якуний қарор қабул қилиш муддати 30 кунгача чўзилиб кетарди. Боз устига, мижоз ва қафиллар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар сони ҳам ниҳоятда кўп бўлиб: шахсини тасдиқловчи ҳужжат, СТИР, ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумот, маҳалладан маълумотнома... Шундан сўнг мижознинг тўловга лаёқатлилиги аниқланган. Бу ҳисоб-китобини кредит ажратувчи филиал ходими амалга оширган. Лекин мижознинг кредитга лаёқатлилигини тўлиқ таҳлил қилиш имкони бўлмаган. Оқибатда ойлик иш ҳақида таянибгина кредитлар ажратиларверган, мижознинг бошқа кредитлари бор-йўқлиги, уларнинг ойлик тўловлари ҳисобга олинмаган. Аксинча, “Филиал — вилоят — Бош банк” тамойили асосида, алмисокдан қолган “Мониторинг” базаси орқали ҳужжатлар икки босқичда айланган. Агар ҳужжатларда бирор камчилик аниқланса, улар худди шу тартибда яна қайта кўриб чиқилган. Энг ёмони, бундай эскича механизм турли бюрократик тўсиқлардан ташқари, коррупция ҳолатларининг юзга келиши ва илмидз отишига ҳам замин яратган.

Энди-чи? Банкимизда, аввало, жисмоний шахсларга 1 кундан кечиктирилмаган ҳолда кредит ажратиш амалиёти жорий қилинди. Иккинчидан, жараёни соддалаштирилди. Мижоз кредит ҳужжатларини филиалдаги масъул ходимга тақдим этади. Ҳужжатлар “кредит конвейери” дастурига жойлаштирилади ва “скоринг” таҳлили асосида кўриб чиқилади. Бош банкда “андеррайтер” томонидан таҳлил натижасига асосан якуний қарор қабул қилинади ва кредит ажратилади. Эътиборлими, бу жараёнда инсон омили аралашувчи даярли кам бўлади. Содда қилиб айтганда, мижозга кредит ажратиш мумкинми, йўқми, агар ажратилмаса, миқдори қанча бўлади, каби саволлар жавобини компьютер дастурлари аниқлайди ва таҳлил қилади.

Шу ўринда “кредит конвейери” ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак. Ушбу дастурий тизимга асосан, мижознинг паспорт маълумотлари ИИВдан, кредит тарихи ва мавжуд қарздорлиги Кредит бюросидан, ойлик даромадлари тўғрисидаги реал маълумот Пенсия тизими базасидан, СТИР рақами Электрон солиқ базасидан олинади. “Андеррайтер” хулосаси ва электрон имзоси конвейернинг ўзиде шаклланади.

Конвейер тизимининг афзалликлари кўп. Мисол учун, мижозни овоза қилмасдан ойлик иш ҳақи тўғрисидаги маълумотни онлайн шакллантириш имконияти яратилди. Қолаверса, “скоринг” таҳлили натижасида сохта ойлик иш ҳақлари орқали кредит ажратилишига барҳам берилди. Бир иш кунинда тўлиқ кредит чиқариш имконияти яратилди. Кредит ҳужжатлари автоматик шаклланипти. “Андеррайтер”ларга берилган “QR code” орқали Бош банк “андеррайтери” ва филиал ходими ўртасида келишув ҳамда тил бириктиришининг олди олинди.

Авваллари филиал ходими кунига ўртача 5 та мижозга хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 15 — 20 тани ташкил этмоқда. Шунингдек, “кредит конвейери” орқали кредит буюртмаси бир босқичда, бор-йўғи 2-3 дақиқада кўриб чиқилаёттир. Ана шундай янгиланишлар натижасида 2020 йил давомида 9 244,2 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

«Биз халққа янада яқин бўламиз!»

Бугун молия бозорига бири-биридан жозибадор банк хизмат турлари кириб келмоқда. Мижозлар учун эса нафақат сифат ва мақбул шартлар, балки қулайлик ҳам жуда муҳим. Зеро, одамлар кичик бир банк амалиёти учун ҳам фалон километр йўл босиб, кўп вақт йўқотишни истамайди. Аксинча, ўз ўйи манзили ёки иш жойига яқинроқ молия муассасасини танлайди-қўяди.

Шу сабабли Халқ банки ўз мақсулот ва хизматларини халққа янада яқинлаштириш, аҳоли орасига кенгроқ кириб бориш ҳаракатида. Жойларга ўрнатилётган банкوماتлар, уларда жорий этилаётган янги хизмат турлари ва ташкил этилаётган “Банк хизматлари марказлари” айни шу мақсадлар рўёбига хизмат қилаёттир.

Хусусан, қинда фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти ҳисоб рақамларидаги маблағларни банкومات орқали банк карталарига кириб қилиш хизмати жорий этилди. Бу орқали энди мижозлар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти (ЖБПТ) маблағларини олиш учун банк филиалига бориб навбатда туришлари шарт эмас. Куннинг исталган вақтида банкومات орқали мазкур амалиётни бажаришлари мумкин.

Банкоматлар орқали коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш имконияти яратилиши ҳам аҳолига манзур бўлмоқда.

Яна бир янгилик: илгари банкوماتлар орқали фақат нақд валютани нақд сўмга айирбошлаш амалиёти мавжуд эди. Бугунги кунда эса Халқ банкининг “Humo” банкوماتлари орқали нақд сўмни нақд АҚШ долларига, “Uzcard” банкوماتлари орқали банк картасидаги сўмни нақд валютасига айирбошлаш ва нақд валютани банк картасига сўм шаклда кириб қилиш амалиётилари йўлга қўйилган.

Бу каби янги хизмат турларидан юридик шахслар ҳам баҳраманд бўлишяпти. Жумладан, дастлаб 12 та автоматлаштирилган депозит машинаси (АДМ) фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур қурилма орқали кредит қарздорлигини сўндириш, банк пластик картасини нақд пул билан тўлдириш ва юридик шахсларга тегишли ҳисоб рақамларига нақд пул кириб қилиш имкониятлари яратилди. Бундан ташқари, 30 дан ортик инфокиосклар фаолияти қайта тикланиб, янги дастурий таъминот ўрнатилди ҳамда уларга банк кредит қарздорликларини сўндириш ва автоматлаштирилган транспорт тизими оператори — АТТО карталарини тўлдириш хизмати йўлга қўйилди. Пировардида банкوماتлар орқали олинган даромадлар 2019 йилдагига нисбатан ўртача 2,5 баравар ошди.

“Кредит”, “Рехаля тўлов”, “Пенсия овердрафт”, “UnionPay Student”, “UnionPay Gold Credit”, “UnionPay Travel”, “Family card” ҳамда “МИР” каби янги пластик карталар жорий этилиши ҳисобига ҳам мижозларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. 2020 йилда аҳоли гавжум жойларда 64 та “Банк хизматлари маркази” фаолияти йўлга қўйилиши ҳисобига уларнинг сони 100 гага етди ва мижозларга хизмат кўрсатиш вақтини уч баробар, яъни 15 — 20 дақиқадан 5-6 дақиқачага қисқартириш имконияти юзга келди.

Айни пайтда ушбу марказларда аҳолига барча турдаги банк хизматлари кўрсатишмоқда. Бу эса мижозларимиз узоғини яқин, мушкулени осон қилаёттир.

Жавобсиз кўнғирок — бой берилган имконият

Банкимиз томонидан 2020 йил 1 май куни Жиззах вилаетида ишга туширилган бутунлай янги форматдаги “Call center” ана шу тамойил асосида фаолият юритмоқда. Хўш, бу марказ қандай афзалликларга эга?

Бу ерда банк ходимлари томонидан телефон орқали мижозлар мурожаатлари қабул қилинади. Шунчаки қабул қилинмайди, уларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатилади. Ҳадемай, мессенжер, видеоалоқа ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳам мурожаатларни қабул қилиш бошланади.

Бу умумийроқ қилиб берилган таъриф. Энди янгиликнинг афзалликлари батафсил тўхталамиз.

Бугунги кунда “Call center”да соат 9:00 дан 18:00 га қадар мурожаатлар узлуксиз қабул қилинмоқда. Ҳар бир мурожаатни марказ мутахассиси ўзи ўрганиб, жавоб беради, банк ходимига улаб берилмайди. Зарур бўлса, филиал ёки Бош банк ходимига кўнғирок қилиб, масалага ойдинлик киритади. Кўнғирок қилиб навбатга тушган ва уланолмаган мижозларга марказ операторларининг ўзлари қайта кўнғирок қилишади.

Кейинги босқичда туну кун — 24/7/365 тартибда ишлайдиган ушбу марказда мижоз тўғрисидаги маълумотлар йиғилиб, уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш орқали автоматлаштирилган маркетинг ва прогнослаштирилган сотувлар амалга оширилади ҳамда мижозларга янги банк хизмат турлари тақдир этиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда “Call center”да мижозларга йўқотилган пластик картани блок-лаб ёки блокдан чиқариш, балансини ва ўтказмалар тарихини билиш, “Humo” пластик картаси эгаларига СМС хабарнома хизматини ёқиш, жисмоний шахслар кредитлари тўлови учун ID рақамларини билиб бериш ва чакана кредит мақсулотларига ариза қабул қилиш, ҳисоб рақам қўйиш ёки ёпиш, блокка қўйиш ва блокдан чиқариш, мобил телефон ўзгарганда янги телефонда иловани актив ҳолатга келтириш каби хизматлар кўрсатишмоқда.

Бундан ташқари, юридик мижозларнинг картотека қарздорликлари ҳақида маълумот бериш, мижоз тўловлари ўтган ёки ўтмаганлигини аниқлаштириш, омонатла-

мақсулотлари ҳамда хизматларига оид саволлар билан ҳам кўплаб мурожаат қилишган.

“Call center”га келиб тушган барча мурожаат бўйича операторлар томонидан бартаф этиш чоралари кўришмоқда. Кун давомида ҳал қилинмаган мурожаатларга банкнинг ички назорат ва ҳудудий филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш комплекси билан биргаликда ижобий ечим топилапти.

... янги хизмат турларидан юридик шахслар ҳам баҳраманд бўлишяпти. Жумладан, дастлаб 12 та автоматлаштирилган депозит машинаси (АДМ) фаолияти йўлга қўйилди. Мазкур қурилма орқали кредит қарздорлигини сўндириш, банк пластик картасини нақд пул билан тўлдириш ва юридик шахсларга тегишли ҳисоб рақамларига нақд пул кириб қилиш имкониятлари яратилди. Бундан ташқари, 30 дан ортик инфокиосклар фаолияти қайта тикланиб, янги дастурий таъминот ўрнатилди ҳамда уларга банк кредит қарздорликларини сўндириш ва автоматлаштирилган транспорт тизими оператори — АТТО карталарини тўлдириш хизмати йўлга қўйилди. Пировардида банкوماتлар орқали олинган даромадлар 2019 йилдагига нисбатан ўртача 2,5 баравар ошди.

Келгусида мижозлар мурожаатларини видеоқўнғироклар орқали қабул қилиш, банк карталари учун онлайн аризалар, онлайн тўловлар қабул қилиш, юридик шахс бўлган мижозларга масофадан техник хизмат кўрсатиш каби қулайликларни жорий этиш кўзда тутилаёттир.



Банк амалиётларини телефонингиз орқали бошқаринг

Кам харажат қилиб катта даромад олиш — бизнеснинг муҳим қоидаси. Сармага тикки эса катта санъат. Истикболли соҳага капиталини йўналтирган одам асло ютқазмайди. Фақат шартлар муҳим.

Халқ банки мижозларини кўпайтириш, омонатчиларни жалб қилиш ва янги хизмат турларини жорий этишда айни шу жиҳатга эътибор қаратапти. Дейлик, нима учун одамлар айнан Халқ банкининг хизматларини танлаш керак? Чунки банкимиз, аввало, уларга яқин, хизмат турлари ва мақсулотлари ранг-баранг, жозибадор, яъни уларда танлаш имконияти кўп. Шу билан бирга, биз мижозларга ҳар томонлама қулайлик яратиш тарафдоримиз.

шириқномаси ва ведомостлар олиб келиниб, туман молия бўлими орқали, маҳаллалар кесимида пуллар молиялаштириллар эди. Ундан кейин эса ҳар бир маҳалла учун бир нечта бухгалтерия ўтказмалари амалга оширилиб, рўйхатдаги фуқароларнинг пластик карталарига индивидуал тарзда, бирма-бир кириб қилинар, бу эса ортиқча вақт йўқотилишига ҳамда тўлов қайдномаларини текшириш учун узоқ муддатли аудит текширувлари ўтказилишига сабаб бўларди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 апрелдаги “Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини идораларо электрон ўзаро ҳамкорлики кўллган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, ижтимоий нафақа ва моддий ёрдамларнинг тўлаишида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” яратилди. Ушбу реестр Халқ банки тизимида iABS дастурига интеграциялаштирилди.

Келахакка сармага тикамиз

Инвестиция — имконият, дегани. Тараққиёт учун бу жуда зарур. Чет элдан жалб қилинадиган сармояларни шу боис ҳам қадралаймиз, қўлаб-қувватлаймиз.

Халқ банки хорижий кредит линияларини ўзлаштириш ва истиқболли лойиҳаларга йўналтириш борасида доимо изланишда. Ҳатто пандемия шароитида ҳам бу йўлдаги саъй-ҳаракатлар тўхтаб қолгани йўқ. Аксинча, 2020 йилда 748 та мижозга 177,9 млн. АҚШ долларини кредит маблағлари ажратилди. Шундан 91,7 млн. АҚШ доллари “Каргил” компанияси, 40,9 млн. доллари Осиё тараққиёт банки, 8,3 млн. доллари “Рай-файзенбанк”, 6 млн. доллари “Росэк-симбанк”, 1,8 млн. доллари Жаҳон банки, 8,2 млн. доллари Кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси, 2,9 млн. АҚШ доллари “Дойче банк” ва бошқа молия муассасалари ҳиссасига тўри келди. Халқ банки улуши эса 31,4 млн. долларни ташкил этди. Бу маблағлар жойларда амалга оширилаётган йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Хусусан, Наманган ва Андижон вилоятларида цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича “Factory cement” МЧЖнинг 9,9 млн., “Rash milk” МЧЖнинг 30 млн., Сирдарё вилаетида полипропилен қоплар ишлаб чиқариш бўйича “Sirdaryo Mega Luks” МЧЖнинг 11,0 млн., Қашқадарё вилаетида “Тараққиёт сари сервис” МЧЖнинг иссиқхона ташкил этиш бўйича 5 млн. долларлик лойиҳаларига кредитлар ажратилди.

Шу билан бирга, Сардоба туманидаги “Maks-Tekstil-Servis” МЧЖнинг замонавий услубда қулпунай ва лимон етиштиришга мўлжалланган иссиқхона ташкил этиши учун 1,97 млн., “Global Idea” МЧЖнинг мева-сабзавот қуришти лойиҳасига 1 млн. доллар миқдорида маблағ йўналтирилди. “Хурсандбек Сабина ҳамкор” МЧЖнинг техника хизмати кўрсатиш бўйича инвестиция лойиҳаси ҳам молиявий жиҳатдан қўлаб-қувватланди.

Умуман, Халқ банки томонидан 2020 йилда жами 70 минг 662 та мижознинг 2,2 триллион сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди, бунинг натижасида 72 минг 110 нафардан зиёд одамларнинг бандлиги таъминланди.

Албатта, йил якунлари — сарҳисоб учун фурсат. Нималарга эришидигу, нималарни бой бердик, нималарни бажардигу, нималарга улғура олмадик, бу саволларнинг жавоблари таҳлилларда яққол акс этади. Муҳими, биз бу йил марраи янада баландроқ олганмиз. Халқ банкида трансформацияга доир ислохотлар изчил давом эттирилади. Хизматлар қўлами кенгайтирилиб, мижозларга янгидан-янги тақдифлар билан чиқилади. Бунинг учун имконият ҳам, салоҳият ҳам етарли.

Юнус БҲОҲОВ,
банк ахборот хизмати раҳбари.
Хизматлар лицензияланган.

Халқ банки:

ҳудудий ва туман (шаҳар) филиали —

197 та;

кассаси —

2 114 та;

«Банк хизматлари

маркази» —

100 та;

валюта айирбошлаш

шоҳобчаси —

121 та;

жами

ҳодимлар

сони —

12 минг

қарийб

нафар.



Санъат

«Мендирман Жалолиддин»: ЯНГИ ФИЛЬМ, ЯНГИЧА ТАЛҚИН

Куни кеча “Миллий” телеканалида узок қутилган “Мендирман Жалолиддин” сериалининг биринчи қисми намойиш этилди. Улуғ аждодларимиз мардлиги ва жасоратидан сўзловчи ушбу тарихий кинокартина туркиялик ижодкорлар билан ҳамкорликда тасвирга олинди.

Қўйда лойиҳа ташкилотчилари ва ижодкорларининг ушбу фильмнинг миллий маданий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Саида МИРЗИЁЕВА,
Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси ўринбосари, лойиҳа раҳбари:

— Сериал эфирга узатилмасдан оқоқ одамларда катта қизиқиш уйғотди ва қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Бу — табиий. Тўлақонли кино кўринишидаги тарихий сериал олиши амалиёти бизда деярли йўлга қўйилмаган. Демак, бу — биз учун янгилик. Янги ҳаво эса ҳар қандай жамиятнинг доим тўлқинлантиради.

Сериалимиз кимгадир ёқиши, кимгадир маъқул келмаслиги ҳам табиий ҳолат. Биз премьерадан сўнг фикрлар турли-туман бўлишига тайёрмиз. Одамлар ўз мулоҳазасини эркин билдириши жамиятнинг очқилиги белгисидир.

Масалан, энг кўп савол фильмда нега бош роляга турк актёри тақлиф этилгани ҳақида бўлди. Асосий мақсад — сериал орқали актёрлар-

ни танитиш эмас, балки таниқли актёрлар орқали жаҳонга миллимизни қаҳрамонларини намойиш қилишдир.

Сериал тўқима образлар ва воқеалар билан бойитилди. Зеро, сериалларнинг асосий мақсади — томошабинларда тарихий қаҳрамонларга, тарихий воқеаларга қизиқиш уйғотиш. Одамлар ўзимизнинг бой тарихимизга қизиқиб, уни ўрганишлари — сериалнинг энг катта мақсади. Сериал ҳужжатли фильмлардан шуниси билан фарқ қилади.

“Анча бюджет маблағи соғурилади”, деган гаплар ҳам бўлди. Аммо бу таъна асоссиз. Сериал тўлиқ ҳомиёлар кўмағида ишланди. Бунинг учун бош ҳомий “Orient Finans Bank”га миннатдорлик билдираемиз.

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси маданият вазири:

— Президентимиз 2017 йил 3 август куни юртимизнинг ижодкор зиёлилари билан учрашувда агар аждодларимиз хотирасини улуғламоқчи, шу асосда ўзбек номини, Ўзбекистон номини бутун дунёга тараннум этмоқчи эканмиз, бу ишни, биринчи навбатда, кино санъати орқали амалга оширишимиз кераклигини таъкидлади.

Ийғилишда илгари сурилган гоёлар, берилган топириқ ва вазибалардан келиб чиқиб, Хоразмшоҳлар давлатининг сўнгги ҳукмдори, моҳир саркарда Жалолиддин Мангуберди ҳақида фильм олишга қарор қилдик.

Мўғул истилоси юз берган мурраккаб даврда яшаган Жалолиддин Мангуберди бошига не бир мусибат тушмасин фақат ва фақат Ватан деган, унинг истиқлолини, истиқболини уйлаган. У Хоразмшоҳлар султони сифатида бошқа ҳукмдорлардан панох сўраши, ўз жонини хатарга қўймасдан бирор сарой-

Меҳмет Сурайё ЭР,
Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси:

— Барчангизни “Мендирман Жалолиддин” кўп қисмли бадиий фильмнинг муваффақиятли суратга олингани билан табриклайман.

Туркий давлатларнинг давомийлиги ҳамда бир бутунлигига ишонган Жалолиддин Мангуберди турк ислом тарихининг энг жасур ва баҳодир ҳукмдорларидан бири эди. У ўз даврининг энг катта ва вайронкор кучи бўлган мўғул босқинчиларига қарши курашиб, ислом дунёсини ҳимоя қилган. Буюк саркарда сифатида тарихга кирган Жалолиддиннинг ботирилиги олдида

Раъно ШОДИЕВА,
Ўзбекистон Республикасида

хизмат кўрсатган артист:

— Ушбу фильм миллий кино санъатимизга янги ҳаво олиб киради, деб ўйлайман.

Туркияда кечган иқодий жараёнлар ёрқин таассуротларга бой бўлди. 30 гектар майдонда барпо этилган “Боздаг фильм” платосида юртимизнинг XIII асрга оид муҳити жонлантирилди. Бу ерда баландлиги 5,5 метр бўлган икки қаватли Хоразмшоҳ саройи қурилди. Истанбулдан 750 километрга масофада жойлашган Оқсарой музофотида саҳро жанг сахналари суратга олинди. Сериалнинг биринчи фасли 13 қисмдан иборат. Ушбу иқодий лойиҳа давом этишига умид қиламиз.

Фильмда Ойчечак ролини ижро этдим. У Жалолиддиндай ватанпарвар шахзода тарбиялаган доно

ҳатто Чингизхон ҳам лол қолиб, “Ота ўғил шундай бўлиши керак!” деб ҳайратини яшира олмаган.

Худди Жалолиддин Мангуберди сингари биз ҳам турк дунёсининг давомий ва бир бутун эканлигига ишонамиз ҳамда ҳар соҳада стратегик шериклик муносабатларимизни биродарлик тушунчаси билан чуқурлаштириб, икки халқ ўртасидаги кўнгил кўприқларини мустаҳкамламоқдамиз.

Ушбу муҳим лойиҳа халқларимиз ўртасида маданий соҳадаги яқин ҳамкорлиқнинг ёрқин намунасидир.

аёл. Турок Хотун ва қундошининг уруғпарастлиги, фитналари қандай фожиали оқибатларга олиб боришини тушунади, ёлғизланиб қолиши унинг орозу-умидларини барбод қилиши мумкин. Хуллас, фильм воқеалари ҳақида узок гапирсак бўлади. Аммо халқимизда бир мақол бор: “минг бор эшиттандан, бир бор кўрган афзал”.

Муҳими, “Мендирман Жалолиддин” сингари ватанпарварлик, ҳамжиҳатлик ёғлари илгари сурилган киноасарлар юртдошларимизда миллий гурурни уйғотишга, айниқса, ёшларнинг хур ва озода яшашининг қадру аҳамиятини чуқур англашига ҳисса қўшади.

«Халқ сўзи».

БИЗГА ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР КЕРАК

Бинобарин, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, унинг устувор макеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ҳам шундай устувор вазибалар сирасидан.

Айни чоғда тараққиёт стратегиясининг ижроси инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ҳамда ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этишга хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Харакатлар стратегиясининг мазкур йўналиши, шунингдек, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кўпайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш масалаларини ҳам қамраб олган.

Бундан ташқари, транспорт-логистика инфраструктурасини ривожлантириш ҳамда хорижий сармоядорлар учун инвестициявий ҳозирдорликни ошириш, солиқ маъмуричилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, кўп тармоқли фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш каби билан ҳам ушбу дастуриламал ҳужжатдан жой олган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш устувор йўналишининг бешинчи таркибий қисми вилотлар, туманлар ва шаҳарларни комплекс ҳамда мувозанатли иқтисомий-иқтисодий раванқ топтириш, уларнинг салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланишни назарда тутди.

Ҳўш, буларнинг муқаддимада сўз очганимиз — олий таълим тизими-га қандай дахли бор?

Ризқимизни меҳнат билан яратамиз

Иқтисодиёт — ўзига хос ҳўжалик тизими. У зарур ҳаётий неъматларни яратиш йўли билан одамлар ва жамият эҳтиёжини қондиради. Ўз навбатида, ҳўжалик юритиш фаолиятини яхшилаб, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлайди. Демак, инсоннинг моддий талаб-

эҳтиёжини қондирувчи бирламчи восита — иқтисодий фаолият. Содда қилиб айтганда, инсон ўз ризқини ўз меҳнати билан яратади.

Харакатлар стратегиясида қўйилган вазибалар ижросига келсак, бунинг учун, аввало, олий таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларни жамиятнинг иқтисодий ривожланиш қонуниятларига оид билимлар билан қуроллантириш зарур.

Иккинчидан, жамиятнинг иқтисодий сиёсатини тўғри англаб етadиган мутахассис-шахсни шакллантириш янада долзарб.

Ва нихоят, уларни иқтисодий фаолиятда иштирок этишга, меҳнат қилишнинг илғор шакл ва методларини ўрганиб олишга йўллайдиган бошланғич малака билан таъминлаш лозим.

... ахборот ва назарий билимлар — мамлакатнинг стратегик ресурслари. Шу боис улар мамлакат суверенитети ҳамда миллий хавфсизлигини кўп жиҳатдан белгилайди. Давлатнинг рақобатбардошлиги эса унинг илмий-маърифий ва фан-техника салоҳиятидан тўлақонли фойдаланиши, инновацияларни таълим соҳасига самарали жорий этиш имкониятлари билан бевосита боғлиқ.



Мана, масалан, Харакатлар стратегияси асосида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожлантирилмоқда. Бу йўналишда маълум бир ижобий ютуқларга эришилди. Лекин ҳали муаммолар ҳам йўқ эмас. Бунинг асосий сабабини фуқароларимизда тадбиркорлик кўникмалари етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Тўғри, бизнес билан шуғулланишни истовчилар анчагина. Лекин уларнинг аксарияти тадбиркорлик фаолиятини қандай йўлга қўйиш зарурлиги, бизнес-режанинг аҳамияти у ёқда турсин, ҳатто ишни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида ҳам тўла тасаввурга эга эмас. Чунки бундай фуқароларимизда ишбилармонликка доир билим ва кўникма йўқ, қолаверса, мазкур соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳам, таассуфки, мукаммал эмас.

Замон кишиси

Сўнгги йилларда инсоният бир ҳақиқатни янада теранроқ англаб етмоқда: соф иқтисодий ўсиш воситасида ривожланиш ва техник қудратинг кучайиши жуда хавфли омил. Келажак тараққиётини эса кўпроқ инсон ақл-заковати ва маданияти белгиллаб беради. Шу аснода билим, инновация ва уларни амалда қўллаш усулларига талаб нихоятда ортиб бораверади. Янги билимлар, ахборот ва кўникмаларни ўзлаштириш, уларни янгилаш ҳамда ривожлантириш иқтисодиётда банд бўлган инсонлар учун фундаментал хусусиятга айланади.

Келинг, буни янада соддароқ мисоллар билан таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Фестиваль



«Чимён челленж»:

СОҒЛОМ ТУРМУШ САРИ

Тошкент вилотининг Бўстонлик туманидаги Чимён кишлоғида анъанавий “Чимён челленж” экосайёҳлик спорт фестивали ўтказилди.

Унда мамлакатимиздаги вазириликлар, идоралар ҳамда йирик корхона-ташкilotларнинг спорт тарғиботчилари қатнашиб, баскетбол, волейбол, бадминтон, мини-футбол, тоғ чангиси ҳамда сноуборд спорт турлари бўйича ўзаро куч синашди.

Фестивални ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — турли ташкilotларда спорт ва соғлом турмуш тарзини янада оммалаштиришдан иборат.

Тадбир доирасида спорт тарғиботчилари учун махсус ўқув-семинар ҳам ташкил этилди. Якунда қатнашчиларга сертификатлар берилди.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

Видеолавҳада кўринг



Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 248. 30 193 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Обфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юзлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкilot жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

ЖОМБОЙДА ЁШЛАР БАНДАЛИГИ ТАЪМИНЛАНАЁТИР

Самарқандда ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш борасида ўнлаб лойиҳалар амалиётга татбиқ этилляпти. Жумладан, “JOMBOY OIL” МЧЖ томонидан жорий йилда қўшимча юзта иш ўрни яратиш белгиланди.

Изланиш

Мазкур корхона 2014 йилда ташкил этилган бўлиб, асосан, мойли экинлар уруғларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган. Корхона бир кеча-кундузда 100 тоннадан зиёд қунгабоқар, махсар, соя ҳамда чигитни қайта ишлаш қувватига эга.

Утган йили корхона томонидан 541 минг тоннадан ортиқ, умумий қиймати 5 миллиард 800 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиги остидаги маҳсулотлар нафақат ички бозорга, балки хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Эътиборлиси, яқинда бу ерда яна бир корхонага асос солинди. У қунгабоқар, махсар, соя ҳамда чигитдан сифатли ва экспортрбоп маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Корхона ишга тушгач, яна юздан зиёд фуқаролар доимий иш билан таъминланади.

Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ
«Халқ сўзи».

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси жамоаси жамғарма бош ҳисобчиси Олим Мамошориповга онаси

Норбуви МАМОШОРИПОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улугмуродов.

Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.10 Тошпирилди — 23.10 1 2 3 4 5 6